

Туркистоннинг биринчи генерал губернатори фон Кауфман: «Мусулмон дини мавжудлигига токат килинади, аммо унинг ривожии рағбатлантирилмайди. Исломи яшаб кетиши учун зарур шарт-шароитидан махруми бўлиб қоладиган вақт ҳам келади». («Турон тарихи» журнали, 1993 йил, 2-сон).

Яна шу золимининг мана бундай дегани ҳам тарихда қолган: «Бу халққа (туркистонликларга) иложи борича, мумкин қадар қўпроқ пахта экириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти ва хохиши қолмасин» (Мажид Хасаний, «Юрт бўйидаги қилич», Тошкент, 1997 йил).

Россия маориф намояндаси ва миссионер П. Ильинский: «Россиядаги мусулмон халқларга бирор-та ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ бермаслик керак», деган. (Мажид Хасанийнинг юқоридаги китоби).

Англия умумпалатасининг аъзоси Грехэм: «Мен ҳукуматга қуйидагиларни айтман: ҳозир улуг иттифокчимиз Россияга Полшани Ўрта Осиёдаги арзимас қабилалар бўлган ўзбек ва тожикларга ўхшаб эмас, балки Европадаги маданиятли, христиан миллат сифатида таниб, Полшанинг шунга муносиб суратда тутган ўрнига қараб, у билан муомала қилиши кераклигини айтиш пайти келди» (Англия умумпалатасининг 1945 йил августидagi мажлисида сўзлаган нуткидан).

Афтидан барча мустамлақачилар ҳамма вақт бир хил фикрлашади, шекилли!